

«EUROASIA INSURANCE» АЖ
акциядорлари умумий йиғилишининг
2022 йил 17 августдаги қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

.....
ийгилиш раиси Б.Шадиев



«EUROASIA INSURANCE»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом «EUROASIA INSURANCE» акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма корхона (кейинчалик – «Жамият») ижро этувчи органининг (кейинчалик – «Ижроия органи») ҳуқуқий мақомини, фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек Ижроия органи томонидан қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгилайди. Жамиятнинг Ижроия органи деганда коллегиял асосда бошчилик қилувчи – Бошқарув тушунилади.
2. Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига (бундан буён – «Қонун») ва Жамиятнинг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

II. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

3. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Ижроия органи раҳбари – Бош директори (ёки «Бошқарув раиси» ҳам деб аталиши мумкин) томонидан амалга оширилади.
4. Бош директор Қонун ва Жамият Уставига мувофиқ Жамият акциядорлари умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши қарорига асосан лавозимига сайланади (тайинланади). Жамият Бош директорини сайлаш (тайинлаш), қоида тариқасида, хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин.
5. Бош директор ва унинг ўринбосарлари билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.
6. Жамият Устави ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан Бошқарув сони бошқача белгиланмаган бўлса, Жамият Бошқаруви сони камида 3 (уч) кишидан иборат. Жамиятнинг Бошқаруви аъзолари Жамият таркибий тузилмалари ва ходимлари ичидан шакллантирилади.

III. БОШҚАРУВ ВА УНИНГ АЪЗОЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Жамият Бошқарувининг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.
8. Жамиятнинг Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди ва уларга ҳисобот беради.
9. Жамият Бошқаруви ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:
 - 9.1. Жамият тузилмалари раҳбарларини тайинлаш (филиал ва ваколатхоналари раҳбарларидан ташқари) ва ваколатхоналар ва филиаллар учун мажбурий бўлган Жамият Бошқарувининг қарорларини қабул қилиш;
 - 9.2. Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини назорат қилиш, ҳамда тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
 - 9.3. Ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш (Жамият Кузатув кенгаши ёки акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган чегараларда ва мейёрларда);
 - 9.4. Ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;

- 9.5. Жамият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;
- 9.6. Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соф активлари миқдорининг 5 фоизидан 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;
- 9.7. Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни қабул қилиш;
- 9.8. Ҳар қандай битим тузилишида ёки Жамиятга бевосита тегишли ҳар қандай масалада муҳим манфаатдорлиги (тўғридан тўғри, билвосита ёки учинчи шахслар номидан) тўғрисидаги маълумотларни Жамият Кузатув кенгашига етказиш;
- 9.9. Жамиятнинг репутация хатарлари, суғурта хатарлари, мейерлар ва норматив талабларни бошқариш ва амал қилишни ташкил этиш;
- 9.10. Жамиятнинг асосий воситларини ҳисобдан чиқариш;
- 9.11. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;
- 9.12. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.
10. Жамият Бош директорнинг ваколатига қуйидагилар кирди:
 - 10.1. мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
 - 10.2. Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
 - 10.3. Жамият номидан битимлар тузиш;
 - 10.4. Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
 - 10.5. Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
 - 10.6. Ходимлар штатларини тасдиқлаш (Жамият Кузатув кенгаши ёки акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган чегараларда ва мейёрларда), ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш (Бошқарув аъзоларига Кузатув кенгаши раиси томонидан амалга оширилади), уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш (Бошқарув аъзоларига Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда), ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
 - 10.7. Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
 - 10.8. Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
 - 10.9. Ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- 10.10. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- 10.11. Жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;
- 10.12. Қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошқор қилиш;
- 10.13. Йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- 10.14. Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;
- 10.15. Банкларда ҳисоб рақамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамлар) очиш;
- 10.16. Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- 10.17. Давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- 10.18. Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- 10.19. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.
11. Жамият Бошқаруви ва Бош директор Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Жамиятнинг Устави ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.
12. Жамият Бош директори ва Ижроия органи аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва Уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

IV. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ИШ ТАРТИБИ

13. Жамият Бошқаруви мажлислари зарур ҳолларда ўтказилади.
14. Жамият Бошқаруви мажлислари кворуми 75 фоиз бўлиб, мажлисларни Бош директор ёки кўриб чиқилаётган масалаларнинг тегишлилигича унинг ўринбосарларидан бири ўтказди.
15. Бошқарув мажлислари баённомалари Жамият Ижроия органи котиби томонидан юритилади.
16. Бошқарув мажлислари баённомалари:
 - Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтишчи (Тафтиш комиссияси) талабига кўра;
 - амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахслар ва органларга (шу жумладан давлат органларига) тақдим этилади.

V. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБЛАРЛИГИ

17. Бош директор ва Ижроия органи аъзоси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.
18. Жамият Бош директори ўз иш фаолияти даврида Жамиятнинг маҳсулотларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда қийинчилик туғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Ижроия органи аъзолари Жамиятда лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш тўғрисида Жамият Кузатув кенгашини хабардор қилмоғи лозим.
19. Жамият Ижроия органи аъзолари билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Жамият Кузатув кенгашини хабардор этиши шарт. Жамият Ижроия органи аъзоларининг аффилиланганлиги Қонуннинг 9-бобининг талабларига мувофиқ аниқланади.
20. Жамият Бошқарув аъзоси ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида унга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва мазкур Низомга мувофиқ етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмда Жамият олдида жавобгардир.
21. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Бош директор ва Ижроия органи аъзоси жавобгар бўлмайди.
22. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Бош директор ва унинг ўринбосарлари (Ижроия орган ёки Бошқарув аъзолари) устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

23. Мазкур Низом акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кундан этиборан кучга киради.
24. Агар мазкур Низомни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тугатиш учун сабаб бўлмайди.
25. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ёхуд Жамият Уставида мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Жамият Устави қоидалари қулланилади.
26. Мазкур Низом кучга кирган кундан бошлаб, аввал акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Жамият «Ижроия органи тўғрисида»ги низом ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотади.